



ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

16 АВГУСТ, № 33 (3137).



КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК!

14 АВГУСТ КУНИ ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТОШКЕНТДА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ БИЛАН НИҲОЯСИГА ЕТДИ

14 август куни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Президентларининг учрашуви Ўзбекистон пойтахтида муҳим ҳужжатларни имзолаш билан ниҳоясига етди. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Туркменистон Совет Социалистик Республикаси раҳбарлари ва унинг учрашуви якуни юзадан қабул қилинган ахборотида бозорга ўтиш даврида ижтимоий кескинликни пасайтириш ва одамларнинг турмуш даражасини оширишга доир биргаликдаги фаолиятнинг стратегик йўналишлари белгиланган.

Яна бир муҳим ҳужжат — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон республикаларидан ташқари Кенгашини тузиш тўғрисидаги битим доимий ишлайдиган иқтисодий идорани барпо этишга асос солди. Шуниси қувончлики, беш республика қаторига Озарбойжон ҳам қўшилди, Озарбойжон мамлакатининг ушбу кенгаши аҳоли зич жойлашган минтақаси иқтисодиётига тенг ҳуқуқли асосда қўшилиши ниятланади.

Учрашув қатнашчилари бир йил муқаддам Олмаотада ариштирилган ахдономалар ва битимлар қандай бажарилаётганини ҳам муҳокама қилдилар. Шу вақт ичида қўлгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўлинганлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ, ахдономаларнинг бажарилишининг назорат қилишининг пухта воситаси барпо эти-

ганида эди, бундан ҳам кўпроқ иш қилиш мумкин бўлар эди. Эндиликда ана шундай восита бор. Делегацияларнинг раҳбарлари 14 август куни музокараларни бошлаш олдиндан баёнот бердилар, баёнотларда энг ўткир муаммолар тўғрисида гапирдилар ва Тошкентдаги ҳозирги учрашуга баҳо бердилар. Мажлисини Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов очди. У Тошкент учрашувида катташаётган делегацияларнинг аъзоларининг табрикли, дастлабки учрашувдан сўнг ҳамкорликда ижобий натижалар юз берганини таъкидлади. Ўша кенгашда муҳим ахдономаларга ариштирилган, жиддий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Улар ҳаётга сезиларли таъсир қилмоқда. Ўзбекистон пойтахтидаги учрашув Олмаотадagi учрашунинг манъий давоми эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққан Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев учрашунинг ташкил этганлик учун самимий миннатдорчилик билдирди. У Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг шу мураккаб даврдagi биргаликдаги ҳаракатлари танглик ҳолатларини юмшатишга қодир эканлигини таъкидлади. Бу эса иқтисодиётдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, миллатлараро муносабатларни тартибга солишга ёрдам беради. Н. А. Назарбоев Тошкент учрашуви чинакам тарихий учрашув эканлигини таъкидлади. Қирғизистон республикасининг Президенти А. Акаев, ушбу учрашунинг ташкил этганлиги учун қирғиз халқининг самимий миннатдорчилигини етказди. Бу кенгаш ўтган йили имзоланган битимлар минтақани иқтисодий ривожлантиришнинг ижобий натижаларини мустақ-



СУРАТДА: якуний ҳужжатларни имзолаш пайти.

Л. ГУСЕИНОВ олган сурат

нинг самимий миннатдорчилигини етказди. Бу кенгаш ўтган йили имзоланган битимлар минтақани иқтисодий ривожлантиришнинг ижобий натижаларини мустақ-

Сўзга чиққан Тожикистон Президенти Қ. Маҳқамов ўтган йили имзоланган битимлар минтақани иқтисодий ривожлантиришнинг ижобий натижаларини мустақ-

камлаш учун пойдевор бўлганлигини таъкидлади. Ҳозирги учрашунинг биз янги иттифоқ шартномасини имзолашга қўшилган ҳисса деб баҳолаймиз. Ўтган йилги

масалалар муваффақиятли ҳал қилинаётгани. Лекин ҳаммаси ҳам ҳал этилаётгани йўқ. Бу эса биз Олмаотадagi ҳужжатларни имзолаётганимизда уларни амалга оши-

ришининг яхши воситасини барпо эта олмаганлигимизни кўрсатади. Тошкент кенгашида тузиш таклифи этилган масалага кенгаши ана шундай восита бўлиши лозим. Биз бундай кенгаш барпо этишни тўла-тўқис қўлаб қувватлаймиз ва у йилининг дастлабки кунларида ёқ барча қарорлар ўз вақтида бажарилишини таъминлашни истаёмиз.

Сўзга чиққан Туркменистон Президенти С. А. Ниязов Олмаота учрашувининг таъбири ҳозир яхши сезилиб турганлигини таъкидлади. Бу учрашув республиканинг бутун ижтимоий ҳаётига, вазиятни барқарорлаштиришга, бир қанча иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир қилди.

Озарбойжон Бош вазири Г. А. Асанов Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг кенгашида иштирок этиш имконияти берилганлиги, қардошларча, ҳурсандлик билан кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. У бутуниттифоқ иқтисодиёти каби Озарбойжон иқтисодиёти ҳам чуқур тангликни бошидан кечираётганлигини, бу тангликдан ёлғиз ўзи чиқа олмаслигини таъкидлади. Қайта қуриш қўчилишининг энг мақбул тўғрилигини ишлаш имконияти берди. Озарбойжон ўзининг географик мақомага кўра бир неча минтақага, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонга яқиндир.

Озарбойжон ҳозир ўз иқтисодиётини маълум даражада Ўрта Шарқ мамлакатлари билан боғлади. Бинобарин, у Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг

зориқонининг Эрон ва Туркияга қилиш учун ўзига хос кўприк бўлиши мумкин. Ҳужжатлар имзолангандан сўнг Ўзбекистон ССР, Қирғизистон Республикаси ва Туркменистон ССР делегацияларининг раҳбарлари дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида илгары имзоланган шартномалар қучга киргани тўғрисида ратификация ёрликларини айирбош қилдилар.

Тошкентдаги кенгашда президентлар бир ҳафтадан сўнг имзолаш бошланган янги иттифоқ шартномаси тўғрисида фикрлашиб олдилар. Улар янги иттифоқ шартномаси барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳужжатлар, деган яқдил фикрни билдирдилар. Бироқ, уни имзолаш тўғрисида қўл қўйилган ўзгаришлар қўл қўйилди, балки катта, титиз ишларнинг дебосчаси бўлади, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари.

Президентлар минтақадagi ижтимоий-сиёсий вазиятни янада барқарорлаштириш чораларини ҳам кўриб чиқдилар, кундалик муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Тошкент кенгаши қатнашчиларига яқунловчи нутқ билан мувожабат қилди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарлари учрашунинг ёртинги учун Тошкентда келган совет ва хорижий журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Л. ЛЕВИН,
В. ПРУГТЕР
ЎЗАТАГ мухбирлари

Ҳозирги кунда Ўрта Осиё ҳудудида бешта республикага дахлдор ва уларнинг ҳар бири учун дозарб муаммолар кўп. Бугунги кунда биз бозор муносабатларига ўтмоқдамизки, у катта қийинчиликлар, жумладан, нарх-навоининг ошиши, озиқ-овқатнинг, халқ истеъмолчи молларининг етishмаслиги, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши билан боғлиқдир. Гапда, қайсипакар ва озиқ-овқат маҳсулотларидagi салбий балансини ҳисобга оладиган бўлсак, бизларни қуви-қишиш даврида оғир дамлар кўт-моқда. Аҳолини ва корхоналарни ёқилти, энергия, газ ва ҳоказолар билан таъминлашда жиддий муаммолар кўндаланг турибди.

Шунингдек, иттифоқ шартномасини имзолаш билан боғлиқ умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бу ўринда ҳам бизнинг жумҳуриятларимиз бошлангич аҳолини тенглаштириётганида, аҳолиларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Келгуси 1992 йил ҳақида ҳам ўйламоқ керак.

Маданият, адабиёт, санъат соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг ҳам янада ривожлантираверамиз, янги ёндашувларни ишлабверамиз.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ССР Президенти

Ҳозирча биз одамларга XXI асрда уларни нималар кўтаётганини айта олмаёмиз. Бироқ узоқ вақт яшим туришга ҳам ҳақимиз йўқ... Республикаларимиздан сайланган халқ депутатлари мамлакат парламентида қатъийлик кўрсатишлари лозим.

...Ўзбекистонда 800 минг нафар қозоқлар, бизда эса ярим миллиондан зиёд ўзбеклар истиқомат қилишади... Бу кишиларнинг ҳар бири қўшни жумҳуриятда ўз иккинчи ватанини тошган. Биз мазкур халқларнинг ҳар бири ўз аяна, урф-одат, расм-русум, маданиятларини сақлаб қўлишлари учун қўлимиздан келган барча ишни қилмоғимиз керак. Бунинг учун эса куч-ғайратларимизни бирлаштиришимиз даркор.

Н. НАЗАРБОВ,
Қозоғистон ССР Президенти

Республикалар янгиланаётган иттифоқ таркибиди мустақил, тенг ҳуқуқли жумҳурият бўлиб қолаётган ҳозирги даврда халқимиз энг яқин қўшиллар — Ўзбекистон, Қоз-

оғистон, Тожикистон, Туркменистон билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни мустақамлаш ҳақидаги шартномаларга айнаска катта эътибор билан қарамоқда. Қўни-қўшничилик, тилларнинг, табиий иқлим шароитларининг, урф-одатлар ва демография жараёларининг бир-биринга ўхшашлиги, халқ ҳўжалиги барча тармоқларида вуқудга келган муаммоларнинг деярли бир хиллиги биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришни тақозо этади. Қўнларимизни бирлаштирибгина республикаларимизни ижтимоий-иқтисодий илҳватдан ривожлантириш ва фақат шу йўл билангина халқларимиз мождий ва маданий турмуш даражасини ўстиришимиз мумкин.

А. АКАЕВ,
Қирғизистон жумҳурияти Президенти

Бир ёқадан бош чиқариб иш тутмасак, ҳамкорликдан кечсак, ўзимиз илайимиз деб хоналаримизга бийиқиб олсак, омад қўлдан кетгани шу бўлади. Кейинги йилларда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон янада яқинлашдилар, иқтисодий, фан-техника ва маданий соҳалари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатларда халқ истеъмолчи моллари, турли материаллар, хомашени ўзаро етказиб бериш даражасини ўтган йиллардангидан сира ҳам камайтирмамасликка кели-

шиб олинди. Шу асосда иқтисодий алоқаларимиз тобора кенгайиб бораверишига ишонч бор.

Қ. МАҲҚАМОВ,
Тожикистон ССР Президенти

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Республикалардаги қўлаб корхоналар фаолияти бир-бири билан ўйнашиб кетган. Биз Ўзбекистондан қишлоқ ҳўжалиги машиналари, экскаваторлар, рангли металл, прокат, қувурлар, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, газлама ва бошқа маҳсулотлар оламиз. Уларсиз иқтисодиётимиз «юрак уриши»ни тасаввур қилиб бўлмайдим. Аини пайтда қардошларимизга қурилиш материаллари, озиқ-овқат, кимёвий, ёнилғи-мўйлаш маҳсулотлари, машиналарнинг қисмлари, табиий газ етказиб беришимиз. Ҳамкорликда корхоналар қуриляпти. Небиттоғда, Исолтадан пайпоқ тўғизи, трикотаж фабрикалари қувватлари биргаликда ўзлаштирилади. Маридаги машинасозлик заводи икки жумҳурият маблаг ҳисобига кенгайтирилади. Ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни ўзнда аёнга тирган бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

С. НИЕЗОВ,
Туркменистон ССР Президенти

ҚОБИЛ ЁШЛАР, ҚАЙДАСИЗ?

Ёшларга эътибор, ижтимоий ҳаётини барча соҳаларига шиддатли змон талабига мос дунёвий билимларни оғалатдан ёшларни жалб этиш жумҳуриятимиз маддари ҳаётидаги муҳим вазифалардан. Тошкентда 9 августда бўлиб ўтган Улўғбек номидagi иқтисодий ёшларни қўлаб-қувватлаш Ўзбекистон жумҳурияти жамғармаси таъсисчиларининг қурултойи бу борадаги дадил қадамдир.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳқамаси раисининг ўринбосари Эркин Самарданов очди. У Ўзбекистон ССР Президенти Исом Каримовнинг жумҳуриятимиз келажак бўлган ёшларни қўлаб-қувватлаш ва уларни ўқитиб воғта етказиш учун тинмай жамғурилик қилаётганлиги, бунда Улўғбек номидagi жамғарма катта роль ўйнашини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Таъсис қурултойи қатнашчилари Улўғбек номидagi иқтисодий ёшларни қўлаб-қувватлаш Ўзбекистон жумҳурияти жамғармаси кенгашининг аъзоларини сайладилар. Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Азиз Носиров бир овоздан жамғарма бошқарувининг раиси қилиб сайланди. Ўзбекистон ССР Фанлар

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ РАМАСВАМИ ВЕНКАТАРАМАН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари!
Буюқ Ҳиндистоннинг миллий байрами — мустақиллик кунини муносабати билан Сизга Ўзбекистон халқини номидан ва шахсан ўз номимдан самимий қўтловлар йўллабман.
Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида қадим асрларда бошланган айнавоний дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик инқила халқимиз манфаатлари йўлида бундан буюқ ҳам мустақамлашиб, ривожланиб бораверади, деб ишонч билдиришга ижозат этаёмиз.
Масъулиятли фаолиятингизда сизга муваффақият, Ҳиндистон халқига эса — тинчлик, равақ ва омон-эсонлик тилайман.
Эҳтиром билан
Исом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

Лойиқ ШЕРАЛИ
Замин каби
ТАНҲОСАН, ОНА
Замин каби танҳосан, она,
Замин каби сен ҳам ягона.
Заминни неча бор мерос мулкидек
Ўртада ўзаро тақсим қилдилар.
Парчаларга бўлиб фарзандлар уни
Бир-бирларига тақдим қилдилар.
Тушуниб етдилар аммо бир кун,
Тақсимлаб бўлмаслигини заминни.
Еру осмонин,
Кўёшу ойин,
Сенинг дилинг каби,
Сенинг меҳринг каби,
Тақсимлаб бўлмасди гўдақларингга,
Ҳамманинг кўёши, ўз оин бордир,
Ҳамманнинг ери ва осмон бордир,
Аммоки асида ой билан кўёш,
Тожикчадан ЖАМШИД таржимаси

Янги рух: Ҳуши, қандай яшаймиз?

Нарх-навоининг кўтарилиши, бозор иқтисоди билан боғлиқ танг вазиятлар, шубҳасиз, турмуш кечирини бироз мушкуллаштирди. Бироқ шундай оналлар ҳам борки, тадбиркорлиги, уюшқонлиги, ҳамжihatлиги билан ҳар қандай оғир дамларда ҳам яхши яшаш, ҳалол кун кечир-тиш йўлларини топадилар.
Биз янги руқимиз остида ўзбек хонадонларининг тиричилиги тақриблар, кўпини кўрган оқсоқоллар, эл доминантларининг уй-фиқрлари, оналардан яхчам сўхбатлар, газетхонларнинг мактубларини мунтазам бериб боришни ният қилдик. Сиздан хатлар кутамиз. Дастлабки сўхбатимизни зарентлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, кўп фарзандли хонадон бошлиғи, 81 ёшли Гулмат бобо Эшов бошлаб берадилар.

Гулмат БОБО: ТОТУВЛИК ВА ҚАНОАТ САОДАТДИР

— Мен ўн фарзанднинг отасиман. — деб сўз бошлади Гулмат бобо. — Ўғил-қизларимнинг ҳаммасини уйл-жойли қилдим. Рост гап, бугун турмуш кечирини қийинлаштиди. Топганимиз харажамизга уйма-уч етгати. Бироқ мен умрим давомида кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, сувги меҳнатда қотган одамман. Шу бос етиш-мовчилик бўлса ҳам нолит билан кун ўтказмасдан бори-га шукр қилиб, йўқни йўқ-дириб яшаймиш. Мен нарх-навоининг ошишини эмас, унинг ортидан қаҳатчилик келишиндан қўрқаман. Қаҳатчилик бўлса, нарх ҳеч қачон бир жойда турмайди. Мана, қурилиш материалларини олинг. Ўғилларимни уйл-жойли қилиш учун елиб-югурганим босиб боради анча-мунча тақрибам бор. Авваллари тўрт хонали, тош

пайдеворли, ёғоч синчали уйл-ларини ҳашар ёрдамида бор-йўғи олти минг сўм сарф этиб битказар эдим. Мана, бу йил кенжа ўғлимга ҳам уй қуралимиз. Ҳозиргача ўн икки минг сарф этиб ҳам қури-либ битказганимиз йўқ.

Қурилиш материаллари камбўлигидан аввалгига қараганда уч-тўрт баробар кўп харажат қилиб, аранг топ-аймиз. Масалан, бир куб метр ёғоч давлат нарҳида 285 сўм туради. Биз уни 320 сўмдан олдик. Пешай-вонга ишлатиладиган учта ёғочни эса кооперативчилардан 285 сўмга олишга маж-бур бўлдим. Синча ишлати-ладиган янгича ёғочларнинг 90 тасини 1310 сўмга, олти метрлигидан 110 тасини эса 1710 сўмга харид қилдим. Сақиз куб метр тахтанинг ҳар кубини 140 сўмдан ол-дик. Бу ёғочларни уч марта

аррачларга олиб бориб 50, 70, 100 сўмдан бериб тилди-риб келдим. Сувочилар ил-гари кунига 30 сўмга кў-нарди, энди у ҳам 70 сўмга чиқибди. Бунга ҳам 350 сўм керак. Бир кунда уйни су-воқдан чиқариш учун йўқ сўйиш, ичкилик олиш лозим бўлади...

Қишлоқимизга табиий газ келди. Бунинг учун ҳўкума-тимизга раҳмат. Лекин газ билан иситиладиган ҳар бир аррачларга олиб бериб 50, 70, 100 сўмдан бериб тилди-риб келдим. Сувочилар ил-гари кунига 30 сўмга кў-нарди, энди у ҳам 70 сўмга чиқибди. Бунга ҳам 350 сўм керак. Бир кунда уйни су-воқдан чиқариш учун йўқ сўйиш, ичкилик олиш лозим бўлади...
Қишлоқимизга табиий газ келди. Бунинг учун ҳўкума-тимизга раҳмат. Лекин газ билан иситиладиган ҳар бир

бу нафақалар етмайди. Қиш-лоқда яшаганимиз жонимиз-га оро киряпти, мол-ҳол, то-вуқ боғамиз, иложи борича гўштин ўзимиздан чиқара-миз. Сув ҳам бўлса-да унча-лик катта бўлмаган боғимиз 1 сўм. Шабтоли, олма, узум сиғиртириш учун эртадан-кеч-гача ер тилдаёлаимиз. Бозор-та мав-чела олиб чиқамиз, шу қурилишларнинг бир қис-мини қўтарали.

Шу ўринда бир нарсани эсладим. Гоҳо ўзбек тожин-нинг фарзанди кўп, ўзи кам-бағал бўлса болани кўпай-тириб нима қилади, деган гаплар қулқоңга чалинади. Бу янгилик тасаввур. Менинг бола-чақаларим, невараче-варам кўп бўлгани учун ҳам юқим ерда қолмайди. Уй қуришдан тортиб, боғ ишла-ригача биргалашиб қиламиз. Ота-болани, ака-укани қўла-ласам, бугунги кунда тур-муш кечирини оғир. Мен хал-қимизга, барча кўп фарзанд-ли оналаримизга сабр-қано-атли бўлишни, улар ўртасида аҳиллик ва тотувлик йўқол-маслигини, бир-биримизга ҳаммавақт мурувват ва ҳа-л-лоқликда яшашни тилайман.
КЕЛГУСИ
СОНДА:
● Янги руқи: сўз ўзбек кордонларига
● Янги замон шарқшу-нослари
● Кўшхонадаги воқеа
● Ғалаён
● Ҳазон билмас баҳор

Одатий музоҳаба бўлиб чиқмади. «ЛГ»нинг биринчи саволигаёқ...

ХАММА гап Иттифоқ меҳнат тақсимотига ўзбекистонга қана...

Б У ОДАМ ўзбекистонни жуда қалтис пайтда қабул қилиб...

А ФСУСКИ, ўша пайтда мамлакатда ўрнида туриб: кў...

Ш У ЕРДА кўшимча қилмасам бўлмайди. Дарҳақиқат...

Н ИМА учун қўйин қондалари га кўра аксарият қисми...

Б ИЗ республикада қанча ёлғиз қариялар исбатан ҳисоблаб...

Т ақрибдаги сивастонлар момақалароқ ақинлашиб келётганини...

Бирок ҳақиқат, оқ-наҳор қолишга ва ҳамма зарур нарсаларни...

Умуман, мен биринчи котиб эълан қилганимда, ўзбекистон...

Халқ — бу тил, демок. Қанча йиллар мобайнида ўзбек тили ў...

Умуман, мен биринчи котиб эълан қилганимда, ўзбекистон...



Ислам КАРИМОВ:

«...ОДАМЛАР БИР-БИРЛАРИНИ ҲАҚИҚАТДА ҚИЛДИРАДИ»

Кимдир, эсимда йўқ, бу дунёни гўзаллик кўтаради, деганим...

Умуман, мен биринчи котиб эълан қилганимда, ўзбекистон...

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА

Бутун куч-ғайратини боғча ва мактаблар қуриш...

Наҳотки, биз яхши яшаш қобилиятига эга эмасми?

Сафсатабозликларга чек қўйиб ҳамма диққатни илм...

МАЪРИФАТ КУЙЧИСИ

Тавалло — Тулаган Хужам-еров инқилобдан аввал ва кейинги даврда яшаб, ижод этган маърифатпарварлардан бири...

маърифатга чорлайди, эл орасидаги ярамас одатларни ҳавф қилди, қолоқликни қоралади, танбалликни танқид этди.

ТАВАЛЛО

ҚАҲАТЧИЛИК ҲАҚИДА

Қайда кетти эътиборлар, ваҳ мурувватлар, дариг, Қолмади ҳеч бир кийимда меҳру шафқатлар дариг.

Бойлар олди гаала, арзон чоғда омбор тўлдуриб, Камбағаллардин чиқар чағ, қилса ҳасратлар, дариг.

Қайда кетти эътиборлар, ваҳ мурувватлар, дариг, Қолмади ҳеч бир кийимда меҳру шафқатлар дариг.

Ичса, еса, семурса — аян мудоаси шул, Гўё муҳаб дарёлариди хангалар.

СУЮКЛИ ВАТАН ҲАҚИДА

Монароуннахрлур тарихда бикаларга Ватан, Арзигай бизлар санго ҳизматда бўлас жону ган.

Бахт агар ёр ўлас, инқобинг мадад қилса санго, Бир қуни десаң узинг: «Мундоқча қуялар бор экан».

Ўзбек адабиёти Намўналари

Бил Ватан, ҳеч бир қачан бир яхши хизмат қилмадинг, Зоёв ўтқардинг бу умрум, ётибон гафлатда ман.

ОЛАМГА БИР НАЗАР

Осмондаги ғайбалар, боқғил, қайта боралар, Эй нафсила овзоралар, нечун қўролмайсиз ҳануз.

ЕВРУПОЛИЛАР ҲУНАРИ БИЛАН БИЗНИНГ ҲУНАРИМИЗНИ ФАРҚИ

Европо ахли, сиз кулоқ солингангиз, Биз ҳунарлар эъбу тошуштирамангиз.

НАВОИЙ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

МАНЗАР САЛИМ ЖАСОРАТИ

БАХТ НАМНА ДЕБ СУРАСАЛАР, мен бидилми бўлиш ва билим соҳиби билан дўст тутишиш, деб айтган бўлардим.

1975 йили Манзар соҳиб шартнома асосида ишлаш учун Тошкентга келганида

купгина ўзбек ҳиндшунослари уни шунчаки «муҳтарам ҳиндистонлик меҳмон» сифатидагина эмас, балки етуқ таржимон, таълиқ адиб, моҳир мутахассис сифатида ҳам қутиб олган эди.

Биз бу аjoyиб адиб билан кўпроқ амалий иш — таржимачилик юзасидан учрашдик, ҳинд шеърини боғида фикр алмашиб турардик.

Биз бу аjoyиб адиб билан кўпроқ амалий иш — таржимачилик юзасидан учрашдик, ҳинд шеърини боғида фикр алмашиб турардик.

ма қилинган, китобни меъвазир аъзам Беназир Бҳуттохонинг албатта қўрсатаман, Умуам, покистонликларнинг ўзбекларга, сизларнинг адабиётингизга ва маданиятигизга қизиқиши катта.

Тошкентнинг тарқ этиб, юртига кетар чоғида Манзар соҳибнинг ҳолатини қўраганида, у кишининг ўзбекларга, дёримизга қанчалик боғлиқ қолганлигини, Тошкентнинг ҳар бир қўчаси, ҳар бир боғи, қалби пок, наҳти холис кишиларининг учун азиз бўлиб қолганлигини гувоҳ бўлардик.

Тошкентнинг тарқ этиб, юртига кетар чоғида Манзар соҳибнинг ҳолатини қўраганида, у кишининг ўзбекларга, дёримизга қанчалик боғлиқ қолганлигини, Тошкентнинг ҳар бир қўчаси, ҳар бир боғи, қалби пок, наҳти холис кишиларининг учун азиз бўлиб қолганлигини гувоҳ бўлардик.

УШБУ ҲАФТАНОМАМИЗ САҲИФАЛАРИДА Алишер Навоийнинг мукофоти номзоди Манзар Салим муқофоти кўрсатилганлиги ҳақидаги баъри уқидигу, «Э, жуда зўр иш бўлиди-да», деб юбордик.

Хар тўқисда бир айб, деганларидек, манзар тўпلامда ҳам айрим курурлар йўқ эмас. Шойр баъзи шеърлари ҳулосасида жўнликка йўл қўлди.

БОБУР ШОИР БУЛИШНИ ИСТАГАН ЭДИ

Ўзбек ва ҳинд халқлари орасидаги адабий ва маданий алоқаларнинг илдири жуда тараққий этган. Яқинда яна бир китоб — «Ўзбек ҳикоялари» тўплами Хиндистонда Эҳсон Қўрайиш таржимонасида уруду тилида босилиб чиқиб бу ҳикоятларнинг бир намунасини, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулум, Ҳарун Ҳошимов, Ҳалим Умарбеков ва Асад Мухтор ҳикоятлари уни олган.



Адабиётининг энг яхши намуналарини Хиндистон тилидаги ўзининг давом этмонда. Жумладан, Хиндистонда чиқадиган «Қадамбани» деб номланган адабий-ижтимоий журналнинг маълум бағишланган махсус сониди Пиримқул Қодировнинг «Заҳриддин Бобур» романини ҳинди таржимасидан нарча «Бобур шоир бўлиши» исмига нашр этилди.

ОШКОРАЛИК НАСИМЛАРИ ЭСИШИ БИЛАН

этилатган ушбу парчада шоир Алишер Навоийга ёш ҳикмдор Бобурнинг чекизи ҳурмат-эътибори таъсирчан йўсинда ифода қилинган.

ШОИР ОДАМ БЎЗЛАЙДИ

муто, тобе бўлиб қолганида-дар, Халқимизнинг соддафайлиги уни фожиасидан қутқариб, китобнинг асарлар эканлиги, набабтадаги шеърлар гўё олдинги шеърини тўлдириб қалаётган дегулади. Касаллигини янширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, турмушининг азоб-укубатларидан беғизан айрим хотин-қизлар ўзларига ўт қўйибдики мўдхик йўлни ташлашди.

Аскар МАҲКАМ

МУБОРАК ТОНГ ЭДИ

Жамладик биз ўзга, бир жоҳ етмади, Искандардек икки-уч шоҳ етмади.

Мудом қўл силтадик — мурғи хумомиз,

Бу тоғлар паст эдики, тоғ етмади.

Биримиз туғ, биримиз сиғ тутибмиз, Ажаб девонамиз бир соғ етмади.

Ҳамма бугдою арпа унинг ер, Басо хошоқ ўлибмиз коҳ' етмади.

Неча қасру равоқу том қурибмиз, Жами анжом етибди, хок етмади.

Сомон.

«Ул осмон ойи эрди», — дерди дарвиш, Биз ҳам ой дердик, аммо доғ етмади.

Муборак тонг эди ўтди... улар ҳам, Жаноза қилдилар бир пок етмади.

Кўзларида ғамлар ёнган Момо Ҳаво, Болалари — жигарлари бир ён турсин, Азозилга ҳам инонган Момо Ҳаво.

Кўксин доми ичра солган Момо Ҳаво, Биҳиштидан қувилгач, сўнг зор-у

Замин узра ёлғиз қолган Момо Ҳаво, Азозилга ҳам инонган Момо Ҳаво.

Дунёки бод ўлди, бод барбод ўлди, Неча Хусрав ўлди, Кайқубод ўлди.

Бир АҚЛИ РАСО БЕРГИЛ Сен менга жазо бергил, ошкора сазо бергил,

Кўйида адо бергил, эй Ишқ — балойи жон!

Қисматки азал шулдир, ёндир мени, куйдиргил,

Дардимга даво бергил, эй Ишқ — балойи жон!

Созимга садо бергил, эй Ишқ — балойи жон!

Девонларим, басдир, афсоналарим, басдир,

Бир ақли расо бергил, эй Ишқ — балойи жон!

Бир пора мато бергил, эй Ишқ — балойи жон!

МЕҲРОБГА ЧУК ТУШИБ

Қароғи қонталош кўзлар йиғлади, Лабингни тирнаган сўзлар йиғлади.

Нодира РАШИДОВА

ҒАЗАЛЛАР

Не балойи дардга бўлди нотавон тан ошён, Қуш каби қолди қафасда чорасиз ошуфта жон.

Дамба-дам жоним қанотин ёзадур парвоз учун, Лек совуқ симлар таранг — ҳам ул томон, ҳам бул томон.

Кўзларим шифтга тикилган, йўқ нигоҳимда мадор,

Куз сочар ҳар ён хазонин, билгай у ҳолим ёмон.

Икки дард энгиш, даволар биттасин очор табиб,

Лек бирин мушкул давоси — ул фироқ номили довон.

Ким деюр дардан сомондир ранги-рўйим, кимга дей,

Кимга айтаяки, соғинчдин бўлди борим заъфарон.

Кеч, — дедим, — ёрдин ва лекин ҳеч қулоқ тутмас кўнгили,

Дер: «Бу шарт душвор, танангдан кечмоғим бундан осон...»

Нодира, кўнгили ишидек бедаво дард билмадими,

Ҳар томирни тарк этибдур тўпланиб бағримга қон...

Ширин сўзинг-ла асир олоқ одатму санга? Хижрон ҳанжарин дилга санчоқ роҳатму санга?

Алиф нисол тик қаддим соғинчдан ёғилди дол, Озор бермоқ юракка ё саодатму санга?

Йўлларингга интизор бўлиб ўтса-да умр, Жоним аро кезмоқлик бир саёҳатму санга?

Хун бўлса йиғлаб юрак, қалбинг очмас дарчасин, Иблис зотин каломи ёки оятин санга?!

Азим дарё, уммонлар кўз ёшимга тўлдилар, Кечиб ўтмоқ сувлардан хўп матонатму санга?

Бир қарошигга мани зор этиб ўтмоқдасан, Айласанг гар тазарру, айт, саҳоватму санга?

Равза менга не керак, бир боқиниш жаннатдир, Оҳлар урса Нодира — бу ибодатму санга?

Фироқ юхо бўлиб ютди, куним ҳам тун, туним ҳам тун.

Фироқ жазо бўлиб ютди, дилим ҳам хун, тилим ҳам хун.

Гуноҳим не экан, билмам, ҳам оҳинг не экан, билмам,

Кезармиз дашти ёбонда, сенам Мажнун, менам Мажнун.

Ёмонлар ташлашиб тошлар, тилиб бағрим, кўзим ёшлар,

Ёвуз тиллар талошидан ўзим маҳзун, сўзим маҳзун.

Фалакда сен ўзинг шамси қамар, элда ўзинг Жамшид,

Сенга бир мен эмас мафтун, жаҳон мафтун, ҳар он мафтун.

Соғинсам мен жамолингни, расо қаддинг-камолингни,

Мени йиғлатма, ағёрлар бўлур мамнун, кулур мамнун.

Ўтар бедор ҳар он, ҳар зум, йўлингга зор қаро кўзим,

Кўзимнинг ашқларин туйган ароқ лаългун, шафақ лаългун.

Муҳаббат ўтида ёнсам, фироқ оғушида қолсам,

Мени ёд этмасанг бўлгай ҳам бахт забун, ҳам тахт забун...



Июлда охино дамлар (сурат К. Қаҳҳорованинг шахсий бисотидан олинди).

Мамлакатимиз иқтисодий бۇҳронин бешдан кечираётган бугунги шарҳида, маънавий бۇҳронинг ҳам жароҳатли ил-ди-ларига тобора кўпроқ кўзга ташланиб қолмоқда.

Таржимон, адабиётшунос Кибрий Қаҳҳорова билан мухбиримиз олиб борган суҳбат адабиётимиз, тилимиздаги баъзи муаммолар масалалар хусусида.

— Сиз бир суҳбатимизда раҳматли падарни бузрукворининг суҳбатларини кўрсатган эдингиз. У кишининг гўзал ёзувлари шу пайтгача кўз ўнгимдан кетмайди.

— Дадам ривзиётчи-математик олим бўлганлар. Умрларининг қариб ярмини илму таҳсил билан Бухороий шариф мактабларида ўтказганлар. Аввал тахсил олганлар, кейин муадрислик қилганлар.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

— Дадам бўйларини билади, қўшлари пичоқнинг дастасидар қалин, соқоллари мошғуруч, элиқдан ошган бўлсалар ҳам жуда салобатли, кўркам киши эдилар. Луфтул-муҳаммад ёки Муфтийо, дейилса, ҳамма билар эди.

Кибрий ҚАҲҲОРОВА:



пайтда бир рубойини уч тилда беамалол таҳлил қилаверасиз.

Сизга қараб туриб, одам адабиётин чуқур англаши учун шеърини оҳанглар унинг мушофево қўнига гўдақлигидан йўриқлиб кетиши керак эканини, деган фикр тугилади.

— Галинғиз жуда ўрилли. Шеъринг она суги билан бирига кириши керак. Болаларнинг бешиги устиди алла айтишдан мурод — тили шеър билан чиқсин дейилган. Падари бузрукворимнинг таъби назмлари шу қадар баланд эдики, ҳатто тиббхона бейсалар ҳам шеър билан бўлар эдики. Агар овуқалсанаму, мабодо кўсангиз тағида озгина овқат қолса, дарров, мулло Кибрий:

Аъзон рўзеси жаннатро бино қард. Савоби қосалесотро кудо қард. Яъни: Худо жаннатни яратган кунини қосангиз тағини ялайдиганларнинг савобини алоҳида қилиб қўйган. Бу хасилликдан эмас; кўфроний неъмат бўлмаслиги учун, дердилар.

— Дадажон, ошинг тузи расоми? — деб сўрасам, — Бо мардуми бо наман наман ҳолат нест, дер эдилар.

Яъни: тузли одамларга тузнинг ҳолати йўқ, деб шеър билан жавоб берар эдилар.

Устод Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музоғига баъзан до-ру-руфунини ёки театр-расомлик институтининг талабалари келишди. Мен атайин «қани болалар битта шеър ўқиб беринглар!» дейман. Ҳеч нимдан сало чиқмайди. Бу йил Мир Алишер Навоий йили, ҳеч бўлмаса ҳафтада бир мартаба шеърхонлик бўладию, биз ҳам ўшандан баҳ-раманд бўламиз деган умидда эдик, минг таассуфки, бу орзу ҳам рўбига чиқмади.

Устоз Алишер Навоий шеърларини арзу вазиғга соли-би яқини ифодали ўқийдиган кишилар йўқ. Менмича, бу ништа талов эълон қилиб, чиroyли, ифодали ўқийди-ганларини таллаш мумкин. Ёки шу муборак сана муно-сабати билан радио ва телевидение қошида бир кенгаш ташкил қилиб, уш-турғида қизларга таълим беришимиз мумкин эмасми?

Мен мавзудан озгина четта чиқмоқчиман, уэр. Қариб ўн йилча Тожикистон Давлат нашриётида адабиёт бў-лимини бошқарганим. Биз туш пайти бугетга бориб на-ватба турмас эдик (балки мен унутганман). Туш-лик пайтида биз байбарак қилар эдик. Менинг бў-лимда Абдусалом Дехотий, Мирзо Турсунзода, Ҳабиб Аҳрорий, Муҳаммадҷон Раҳимий ишлар эди.

Биз никоҳгача устод Абдулла Қаҳҳор билан олти ойча 15—20 кунда бир мартаба учрашиб турганимиз. Ҳар гал учрашадиган бўлсам, санъаткорларнинг ибораси билан айтганда менинг «репертуарим» тайёр эди. Ҳозирги ёш-ларимизга қараб, гоҳида истироб чекаман. Бир-бирларига шеърлар, ҳикоятлар айтиб беролмайдилар. Мен уэр сў-райман, лекин бу маънавий қашшоқликдан бўлса керак... Биз она тушроғимиз яна уқлан исътедодлар яратсин деб орзу қиладиган бўлсам, биринчи галда ёшларга тарбияда ўзгача бўлишимиз, уларнинг маънавий қашшоқ бўлиб қолишига йўл қўймаслигимиз лозим.

— Сизия адабиётимизнинг, тилимизнинг катта жо-куари сифатида ҳам биламиз. Сиздаги жонқуярлик, тил-га талабчонлик жикобий маънода жуда кўпчиликка юки-шини истар эдик. Чунки тилимиз давлат мақоми олган-дан сўнг ҳам воқелигимизда у қадар катта ўзгаришлар юз-га келмаёттибди. Жуда кўп жойларда эски ҳаммом, эски тос қабилди иш юритилмоқда. Баъзан тилга му-носабатда «қош қўйилган деб кўз чиқариш» юз берапти. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?

— Минг афсуски, мен кундалик радио ё ойнаи жа-

ҳоннамо тилида бирор силжиш сезмаганим. Аксинча, тилимиз сўз бўтқасига айлини қолапти. Ким қандай истаса, ўшандоқ ёзаяпти. «Нома»ларнинг ҳисоби йўқ, «Сафарнома» сафар таассуротидан баҳс этар эди, «Йоно-ма» бир ой ичида бўлиб ўтган воқеалардан сизни воқиф этарди. «Рўнома» бир кеча-кундузда бўлиб ўтган ҳо-ди-салардан сизни хабардор қиларди. Эндиликда «Пахтано-ма» ҳам чиқибди. Агар шу зайлда иш тутадиган бўл-сан, қандай худо билади, яна қандай «ёнома»лар ўйлаб чи-қарилади!

Шу пайтгача директорни мудир деб ёзиб юрган эдик, эндиликда «бошқон» бўлиб қолибди. «Бошқон» деган сўзни қайси ўзбек тушунади? «Факультет»ни «қуллиёт» қилиб олимиз. Одатда бир қанча асарлар мазмунини «қуллиёт» деб атайдик, анди уни нима деймиз? Шарқ олами «факультет»ни «факультета» шаклида қабул қил-ган, биз ҳам шундоқ десак бўлмасмикин?

«Фотограф»ни расом, суварни «расм» деб ёзар эдик. Бу ҳам кимгадир ёнмабди. «Фотограф»ни «су-варатма» деб ёзаяптимиз. Дурустроқ мулоҳаза қилиб қара-сак «суратнаш» ҳам, «расом» ҳам ўзбекча эмас. Модо-микни, ҳозирги кунда баъзи бир арабча сўзларни олган эканимиз, келинлар «анжос» бўлиб кўя қолсин.

Яқинда Президентимизнинг қароридан қолган фақир-у-фурқоларнинг аҳолидан хабар олиб туриши, уларга ёр-дам бериш, ҳаётида фармони чиқди. Таржимон-бир жой-да «ёлиғ қўшларни парвариш қилиш», деб таржима қилибди. Ўқиб қайрон бўлдим: дарактени, Nicholson, бо-ланни парвариш қилиш мумкин. Бундай ёлғиз қолган-ларнинг эса аҳолидан хабардор бўлиб туриларди ёки уларга ёрдам қўлиб қўзиларди, шекилли.

кин? Сухандон деб, масалан. Қизил майдонга чиқиб ҳам-мани оғизга қаратиб қўйдиган одамнингиз суҳандон дей-дилар. Модомики, бизда илгари радио деган нарса йўқ эди, диктор сўзи ҳам радио сўзи билан бирига тилимизга кирдим. назаримда уни ўз холига қўйиб керак. Ахир тил бошқа тилга ҳисобига ҳам бойиди, деймиш-ку. Те-левизионни «ойна жаҳон» қилиб олганмиз бу бошқа гап. Искандар Зулқарнайн Фаронистон яқинида жойлашган Искандария шаҳрини обод қилганидан кейин фаран-ларнинг ҳужумидан оғоҳ бўлиб туриш мақсадлида шаҳар четидида дарё бўйида баланд минора қурдиранди ва шу минорага тилсимли ойна ўрнаттирдилар. Ванги-ванги билан шу ойна орқали ҳаммаёқни кўздан кечириб туради. «Ойна жаҳоннамо» деган сўз шундан қолган («Гибс ул-луғат»дан).

Ҳали тарбия оиладан бошланади, дедим. Болам мак-табга борса мулло бўлади, деб қараб туриш мумкин эмас. Бола зехнининг энг ўткир пайти 3—4 йарингиди бўлади. Биз бўлсак, қўшича шундоқ кимматли вақтни зое ўтказамиз. Бугунги кунда бизни энг изтироб со-лаётган масала жамиятнинг фақат иқтисодий бұҳрондан қандай эмас, балки маънавий қашшоқлик бұҳронидан қандай қилиб қутқариш йўлларини топишдир. Ҳозир ҳам баъзи ота-оналар фарзандларининг тарбиясига унча-унча эътибор қилмаяпти. «Сеним жаҳон-денг!» Фақат олий ўқув юртига кириш чоғида, яъни имтиҳондан ўттиш учунгина. Бу ота-оналарнинг ҳаёлига: «Эй, биз шу ишларни бил-ган аввал ҳукуматини, кейин ўзимизни асраётганмиш-ку», деган гап келмайди. Ишлари битиб, ёшларни лойдан ўт-са бас.

Яқинда Президентимизнинг дўфво марҳаматлари бил-лан бир гуруҳ болалар ўз маълумотларини мукаммал-лаштириш йилида хорижий элларга сафарга о-лдилар. Бу ниҳоят тахминан сазовор иш. Эски замонда ўт-ган олму уламо, фозилу фузалоларнинг деярли ҳамма-лари чет элларга бориб маълумотларини мукаммаллаш-тириб келганлар. Лекин биз ҳозирги кунда хориқта ю-бораётган йўқчиларимизнинг илм пойдеворларини му-стаҳкамнингиз? Булар неча тилини билишди. Агар пой-девор мустаҳкам бўлмаса, қандай гўзал иморат солин-ган, барнор икки кунда қўлаб кетади. Шунинг учун ҳам биз хорижий давлатларга бориб қорчалон бўлиб келадиган йигит-қизларимизни ўзимиз элаб, кейин юборсак, маъ-садга мувофиқ бўлур эди.

— Кибрий она, мана, суҳбатимиз болалик дунёсига адабиётнинг нечоғлик таъсиридан бошланади, унинг бу-гунги кунимиздаги муаммоларига келиб тақалапти. Назаримда, кейинги пайтларда адабий ҳаётимизда ҳам ло-қайдлик сингари йараён сезилмай кечаётганга ўхшайди. Хусусан, бу устоз-поғирлик анъанасида, яратилган асарларга нисбатан муносабатларда кўга ташланмоқда. Бошқачароқ айтсак, бунинг сабабларидан бири ёшлар бир пайтлардагидек «елкан оша устозларнинг ўткир, та-лабчан нигоҳини ҳис қилмай» қўлганларда эмасмикин?

— Сиз кўп жангдан ҳансиб. Бугун барча баҳада бўлгани сингари адабиёт ҳам адабийлашадан кўра сиебатлашди, десак хато қилмаймиш. Шу сабабли ҳам июлда нисбатан эътибор бироз сусайди. Ҳозирги кунда ким нима ёзиши билан бироз қалам аҳлининг деярли иши йўқ. Қани айтиш-ки, яқин орада қайси ёзувчимиз ўз ҳамқаламининг ижоди билан шугулланиб, таҳлил қил-ди, намчиликларини кўрсатди ёки мактабди? Бу яқин ўртада менинг кўзим тўшган эмас. Танқид, тақрирлар чиқаяпти, лекин бу, асосан, тақидчиларимиз қаламига мансуб мақолалардир.

Устод Абдулла Қаҳҳор адабиётнинг ҳақиқий жонку-ри бўлган. Уларнинг назаридан хоҳ нам бўлсин, хоҳ наср четда қолмас эди.

Сайд Аҳмадининг 40-йилда босилиб чиққан «Тортиқ» деган ҳикоятлар тўпламини тақрир ёзганларда устоз эн-диликда 33 ёшда эдилар. У киши Сайд Аҳмад қўлига қал-лам олган дамидан бошлаб унинг ижодини муттасил ку-затишга лозим этганлар. Ушга тақрирдан кейин орадан 26 йил ўтган Сайд Аҳмадининг 1966 йилда босилиб чиққан «Уфқ» романига ҳам мақола босишга таллар.

Шунинг ўзи Сайд Аҳмадининг ижоди ҳаминша устод-нинг кўз ўнгига бўлганлигини кўрсатмайми?

Агар умидбахш ёш қаламқаш бўлса, минг зарур иш-лари бўлса ҳам, дарров унинг ёзганларини ўқиб чиқар эдилар. У киши учун «фурсатинг йўқ, ё бошқа зарур иш билан бандман» деган гап бўлган эмас.

1960 йилнинг баҳорин эди, шекилли. Бир кун кино-режиссёр Латиф Файзий юрчадан келган, қалду жома-ти баланд. Узи озин бўлса ҳам елкалари кент бир йи-гитини эргаштириб келди. Анчагача ўтирибди. Бутун суҳбат давомида халигиз йигит чўра этгани йўқ. Фақат эшик олдиди йиманибгина йўлакдаги батареянинг устига қўлэмани қўйиб:

— Фурсатингиз бўлса кўриб қўйрсиз, — деб чиқиб кетди.

Домла қўлэмани ўша куниниқ ўқиб чиқиб: — деб суюниб кетдилар. Бу ёш йигит Ушқун Назаров, қўлэмани унинг «Одамлар» деган биринчи ҳикояси эди.

Устоз ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб дарров ҳи-қоянинг уёғ-буёғига қалам уриб, таҳрир қилдилар ва ў-ларни оқ йўл тилаб ҳикояни «Шарқ юлдузи» мажалласи-га тавсия этдилар.

Агар бирор умидли ёш қаламқаш бўлса, ҳатто ўла-ри унинг яшаш жойини сурштириб, «нега товушинг ниқайи қолди» деб куюб-пишиб мактублар ёзар эдилар. Назаримда, ҳозирги адабий жаранмишда ана шундай куюнчаклини, адабиётимизнинг ўсиши ривожини учун жон фидолик етишмайди. Жон фидолик бўлмаган жойда ус-тоз ширчилик ҳам бўлмайди, яхши асарлар ҳам нам яратилади, яратилган яхши асарлар ҳам эътиборсиз қо-лади. Бундан фақат адабиётимиз ютирсади.

Ваҳоланки, шарқ адабиёти фалсафий теранини билан дунёни ҳаминша ҳайратга солган ва уни баҳраманд қилиб келаятган адабиётдир. Унинг умрига умр қўшинг эса ўзимизнинг қўлимизда.

Кутмайиз!

ЭРКИН МАЛИКОВ
50 ЕШДА

менинг дўстларим, «Темурчилар оғла», «Она шахрим Тошкентим», «Бўл тайёр», «Тантанали аёда бераман», «Пионернома», «Тўрт қонуннинг тўрт минг қирраси» каби асарлари ўқувчиларнинг китоб жавабидан муносиб ўрин олган.

Хозирги қайта қуриш даврида Пионер ташкилоти деган нбора айрим кишиларга гализ эшитилган бўлса-да, Эркин Маликов ҳали бу ташкилот фаолиятини янада кўтароқ ниятда асарлар яратмоқда, чунки болалар ҳам ўз ташкилотларига, ўз эътиқодларига эга бўлишлари керак.



Эркин Маликов «Ўқилмаган сажқалар» номли хужжатли қиссасида халқ кўшиқлари ор-

қали болалар маънавиятини бойитишга ҳаракат қилади. Унинг «Тетички «А» да қайта қуриш» асари Ўзбекистон уюшмасининг Ғулом номидаги мафотурига сазовор бўлди.

У шу кунларда фаолиятини болалар тарбиясига бағишлаган. Ўзбекистон радиосида «Болалар учун эшиттиришлар» бўлимини бошқармоқда.

Эркин Маликовнинг эзгу мақсадларига тилекдош бўлган ҳолда унинг ташкили ишларида фаоллик, ижодий ишларида муваффақиятлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ХАЙВАТИ

ЯПОНИЯ ЖАННАТ ЭМАС, АММО...

Бундан икки-уч йил бурун кунчиқар мамлакатни ҳисобланмиш олис Японияда «Японча-Ўзбекча дугат» напри атилганлигини эшитиб ҳайратлангандим. Яқинда эса ўзбек тилида гапира оладиган ва эза оладиган япон олим — Токио дорулфунун адабиёт куллиети доценти, шарқшунослик кутубхонасининг илмий ходими Хисао Кумацу билан танишиб жуда хурсанд бўлиб кетдим.

Тўғриси, тил билнш одати ҳол ҳисобланмиш керак. Хорижий давлатларда аслида ҳам шундай. Лекин шундоқ ёнганда ўз она тилини — ўзбек тилини билмай, билнши инстамай билса ҳам «юмалоқ-ёсти» қилиб гапирадиган, гапирса ҳам ўз фикрларини икки эндиқ қозғода ифода эта олмайдиганларни кўравериш... ёки Ўзбекистонда етмиш тўрт йилдан буён яшаб, ўзбек тилининг «ў» ҳарфини ҳам «ҳам» қила олмай келаётганларнинг гоҳ очик, гоҳ яширин таъна-дашномларини эшитавериш... сабр-тоқат билан кун кемираётганимда...

бирдан бир япон сен-ла соф она тилинда эркин, раван суҳбат курса, гурунлаша, ҳайратланмай, севинмай бўладимиз, ахир?! Хисао Кумацу жаҳондаги ҳар томонлама ривожланган давлатнинг фарзанди. Электронлаштирилган, компютерлаштирилган мамлакат олим. Аммо гоат самийий, ноинстаб, мулойим, хушфелъ инсон.

«Японларнинг ҳам армони борми?» — деб сўрадим ундан ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. «Армонсиз одам, ҳатто армонсиз давлат бўлмайди, — деди у жилмайиб. — Бизнинг ҳам армонларимиз кўп, уларни қўя турайлик, бироқ ўша техникалашган, машиналашган, роботлашган дёвримизда одамгарчилик, инсонгарчилик туйғуларни тақчил бўлиб бораётти. Айтилик, бир ота-онанинг икки фарзанди бир дастурхон устида бемалоол суҳбатлашиб ўтира олмайдилар. «Темиртан»лар билан банд, улар билан кўпроқ «суҳбат» қуришади. Бундай ҳаёт кечирини кейинги йилларда ёшларимиз ичда сезиларли норо-зликларга сабаб бўлмоқда. Темирлар ҳеч қачон инсонга инсондек дўст бўла олмайдилар...»

Хисаони, унинг Дардини тушунгандек бўлдим. Аммо менинг Ўзбекистоним бугун Япония каби мамлакатлар ривожки, тараққийти сари ин-

тилмоқда. Мен унга шу ҳақда сўзлаб бердим. Хисао ҳам мени тушунгандек бўлди. Тараққий этиш йўллари ни ўзича шарҳлади. «Энг аввало, — деди у, — ҳамма соҳада бирдай иш юритувчи тил — ўз она тилингиз бўлиши керак. Фақат она тил орқалигина инсон сийратидоги бор мавжуд имконият юзага чиқади! Она тил билангина асл маърифатга эришилади. Миллий мутахассислар пайдо бўлади. Ахир, она тилда иш юришмаса, ҳақиқий юрт эгалари қайёнда туғилади? Бегона тилда иш ўша ва ўз ватанлари манфаати, дея гоҳ ошнора, гоҳ яширин ҳолда ҳаракат қилади. Инсон табиятан шундай яралган.

Мамлакатингиз тараққийета эришман деса, тезроқ чин истиқлолга — мустақилликка эга бўлмоғи керак! Мустақиллик ягона бўлади. Унинг иқтисодий, сийсий... каби турлари йўқ.

Мустақилликка эришган мамлакат, албатта, биринчи галда ўз ички имкониятларини ишга солади, чет давлатлар билан тўғридан тўғри алоқа қилади. Ўзбекистоннинг ички имкониятлари жуда катта. Мен ишонтириб айтаманки, Японияда ҳам бундай имконият йўқ. Таъғир берган сахий офтоб, табиий бойликлар, тенгсиз иқлим... эҳ-ҳе, Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ!

Тағир бир гап. Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳар бир жаҳода қадимки Туркистон каби ҳамжиҳатлик билан иш юритиши зарур бўлади. Ахир, йўлнинг бир, сувнинг бир, ҳавонинг бир, тўғроғнинг бир! Тақдирингиз йўқ! Хабарим бор... Халқларингиз орасидаги нифоқ — узоқ қуллик занжирларининг узилншига эмас, балки, янада яшовчанлигига хизмат қилади!

Япония жаннат эмас, аммо мустақил давлат. Унинг бахти фақат шунда! Хисао Кумацунинг бу мулоҳазалари менинг учун янгилек эмас. Йигирма-йигирма беш йилдан буён шундай ўйлаб келаман. Лекин буюк бир мустақил давлат олимни фикрлари билан ўзининг қарашларини хосу мос, муштараклигидан, ростки, ичнда хурсанд бўлиб қўйдим. Унинг гапларини яним туриб эшитдим.

Хисао «Ўзбекистон тараққийет талаб билан ҳам мустақилликка эриша олмагани мумкинми?» — деган сав-

волимга: «Ҳа, чин демократик кучлар, партиялар хилма-хиллиги бўлмаса мумкин, узоқ давом этиши мумкин!» — дея қатъий жавоб берди. Шундан сўнг уни тарих, адабиёт, санъат доирасидаги суҳбатга тортдим. Узи, қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим. У рози бўлди.

— 1951 йил 28 февралда туғилганман. Лекин бу муҳим эмас. Муҳими: Йигирма йилдан буён XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ва XX аср бошларидаги Туркистон тарихи, адабиети билан шуғулланиб келишим. Асосий ишим Фитрат фаолияти ва ижоди ҳақида. «Фитратнинг «Мунозара» ҳақида қайдлар» деган илмий рисолам 1981 йилда Анкарада нашр этилган. «Фитрат ва «Еш бухориллик»нинг фикр ҳаракатлари тадрижи» деган рисолам эса инглиз тилида чиққан. Бундан ташқари «Бухоро маҳаллаларида доир», «Бухоро ва Қозон», «Урта Осиё мусулмонларининг вазияти», «Тошкент эшонлари», «Анджон қўзғолови ва Мадали эшон», «Қўзон ва Истамбул» сингари мақолаларим турли манбаларда эълон қилинган.

Туркияда уч йил тақдиротлар оlib бордим. Турк ва ўзбек тилларини шу ерда ўргандим... Ҳа, Хисао ўзбек, турк тиллариға самийий муҳаббат қўйган. У бундан ташқари инглиз, рус тилларини ҳам пухта эслаган олим. Хисаонинг тил билншидаги ютуқларини кўриб, ўзимнинг сон-саноксиз «тидси» олимларимизнинг ношудлигини эсладим. Қўччилик ҳатто ўз она тилларида эркин гапшишни билншмайди-я — ёзиб-чизишни-ку қўверинг!

Хисаонинг айтишича, умуман ҳозир Японияда ўзбек тилини билнша қизинчи кучайган. Киато университетида чигато-ўзбек тили ўқитилайти экан. Маю деган профессор Заҳридин Муҳаммад Буобурийн «Бобурнома»сини япон тилиға таржима қилибди. Бир қанча мутахассислар назарлари Алишер Навоий, Абулғози-хон, «Шайбонийнома» муаллифи Муҳаммад Солиҳ, Убайдуллоҳхон ва бошқа шoir, олим, давлат арбоблари ижоди, ҳаёти, фаолиятларини ўрганишға қаратилмоқда экан. Энг муҳими, ўзбек тилини ўргатувчи дарслик яратилди...

Хисаондан бундай қизиқчилар изоҳини сўраганимда, бунда ишни ёш муштариларимизни лотин алифбоси билан таништиришдан бошлашға тўғри келади. Шу муносабат билан мазкур ҳафталик муштарийларига мурожаат қилмоқчимиз: азиз дўстлар, фарзандларингизнинг маънан бой, руҳан соғлом, тийрак, зийрак бўлиб ўсишларини ўйласангиз, уларни «Ширинтой»да бебаҳра қилманг, обуюн бўлинг. Қолверса, ойнамамининг Ғолаб муҳбирига айланншингизни — халқ орасида яшаб келаётган болалар ўйинлари, қўшиқлари, маталу эртаклари, топшмоғу тез айтишларини баҳолиқудрат тўлаб, «Ширинтой» таҳририятини жунатишингиз, фарзандларингизни чизган расмлар, улар ясаган нарсаларни ва ойнамага тақлифу истақларингизни ҳам юборншингизни сўраймиз. Эркинсангиз, «Ширинтой»нинг янада ахшироқ чиқишға қўмаклашган бўласиз.

Бизнинг манзилимиз: 700113, Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 60-ўй.

Ўзбекистон телекўрсатува радио эшитириш Давлат қўмитаси жамоаси Доли Зокиров номдаги халқ ошоғу асбоблари оркестрининг собик созандаси

ҲАМИДОН ФАЙЗИЕВ

Беват ўлими муносабати билан чухур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси бошқаруви ҳаёвати ва жумхурият Адабиёт жағмараси жамоаси Ибн Сино номдаги ақдан заиф ва мажрўх болаларға ердан кўрсатиш Ўзбекистон фонди президенти Турсун Али Мухаммадова ўғли

ДАВРОННИНГ

Беват ўлими муносабати билан чухур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси бошқаруви ҳаёвати ва жумхурият Адабиёт жағмараси жамоаси СССР Ўзувчилари уюшмаси аъзоси


Инна Ивановна ПУШКАРСКАЯ [ТАТАРКОВА]

Беват муносабати билан мархумининг оила аъзоларига, ёру биродарларига чухур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Адабиети ва Санъати

СУЛТОН ВАЙС БОБО МАҚБАРАСИ

САВОБЛИ ТАДБИР



СУРАТДА: Султон Вайс бобо мақбараси.

Қорақалпоғистон мухтор жумхуриятининг Беруний тумани ҳудудидаги Султон Вайс бобо мақбараси кўна қадимжолардан биридир. Сир эмас, узоқ вақт бу табарруқ масканга ҳам ўғай кўз билан қараб келинди.

Беруний тумани фирқа ва ижрон кўмитаси ҳамда диний уюшмаси Султон Вайс бобо қадимжосини таъмирлаш тўғрисидаги мурожаат билан чиқди. Ўзбекистон Ўзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази бу эзгу ишға ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида, шу йил сентябрь ойида Султон Вайс бобо вақфи учун ўтказиладиган хайрия марафонининг адабий-бадий томонларини ўз зиммасига олди. Бу тадбирнинг сермазун ўтинини таъминлаш учун атоқли Ўзувчи, шоир ва санъаткорларни ҳам жалб этиш режалаштирилган.

Бу тадбирда Аму ва Орол бўйи мусулмонларидан ташқари йардош жумхуриятлар вакиллари ҳам қатнашадилар.

Шу муносабат билан шоир Ҳамроқул Асқар мазкур қадимжой шайх Муҳаммад Қасан ҳазратлар билан мулоқотда бўлиб, авлие Султон Вайс бобо мақбараси тарихи ва хайрия марафонининг мақсади ҳамда ташкилий ижталоқлари ҳақида суҳбатлашди.

Шайх ҳазратлари, Кўна Амунинг ўнг соҳили ва Султон Вайс тоғи ён бағрида жойлашган мақбара Султон Вайс бобо мақбараси ва масжиди атрофидаги тарихий қабристон ҳақида қўйлаб сирли ҳикоят, ривоятлар мавжуд. Хозирга қадар матбуотда бу ҳақда бирор муфассал маълумот уратмаганимиз. Урта Осиё мусулмонлари қалбида шу қадар ардоқли бўлган бу табарруқ зот тўғрисида бизнинг авлод деярли ҳеч нарса билмайдилар.

Бизнилоҳир раҳмонир роҳийим. Ётмишчизи йилларда нашр этилган миллий йому-симизнинг 410-саҳифасида Султон Ғуфройи маълумотлар билан чекланган кичик бир мақола берилган. Бирок унда бу жойининг XIV асрдан буён эйратгоҳ эналлиги ва мақбара ҳамда масжид, яъни тарихий обидалар эналлиги ҳақида сўз юри-тилмаган.

Ҳақиқатда Султон Вайс тоғи жуда қадимий тоғ тизмаси бўлиб, кенглиги 40-45 километрга чўзилган. Тоғ тизмасининг бир учи Учқудук, Зарафшон, Томди тоғла-

риға бориб уланади. Муқаддас китобларда Амуни жаннатдан чиққан дарё, деб таърифланган.

Арасту, Сукрот, Афлотун каби Юнон олимлари асарларида «Ока», «Окуз», «Окс» («Аракс») дарёлари ва тоғларидоги олтин конларининг бошланнши Султон Вайс тоғ тизмалариға уланиб кетишига ишора қилинган.

Султон Вайс бобо ҳақида Абдурахмон Жомиининг «Нафахт-ул-ун» Фариддин Атторнинг «Тавкират ул-авлиё», Хусайн Воиз Кошфиининг «Рашаот айн-ул-ҳаёт» каби асарларида маълумотлар берилган.

Султон Вайс Қорайинн хижрий 3 (уничин), мелодий 626 йили Ямандаги Қорайин қишлоғида чорвадор оиласида туғилган. Шилиғидан ислом динини тарғиб қилиб, ҳаминча оллоҳнинг ишқига «ху-ҳақ» деб юрган девонасифат киши бўлган, шу сабабдан яман халқи у кишини девона деб Ямандан куврин қилган. Манбаларда эзилншича, 7 шийа Амандан онасини олиб чиқиб кетади ва ўзинға тинч гўша излаб Хоразм воҳасига келиб қолади. Кейинчалик унинг номига зикр этилган Вайс тоғидаги маконда яшаб бошлаган. Шу ерда авлиёлар авлиёни даражасига етишиб, кўп қароматлар кўрсатган, шу билан бирға фақирона ҳаёт кечириб, умри чорвачилик билан тоғ ва саҳроларда, жанг ва жадалларда ўтган. Ҳазратли Али Эронда олиб борган жанглардан бирида хижрий ҳисобда 37 йил 17 шаввал ойи куни Эроннинг Сўфийн шаҳри яқинида шакҳид бўлганлар. Аҳли доишлар у киши 12 обдан иборат «Тавкират ул-ҳарб» («Харбий санъат») номли рисола ёзган дейишади. Яна баъзи манбаларда у кишининг 93 йил умр кўрганлиги, ғариблиқда ёлғиз яшатаи қайд этилади. Яна бошқа бир манбада Султон Вайс Қорайинн «Тобен суҳайл» яъни «Тобелар ичндаги юлдуз» деб мақталади. Бомбай, Тейхон, Истамбулда нашр қилинган диний ва ҳарбий китобларда унинг номи тилға олинди.

Шайх ҳазратлари, мана шу ўн икки метрлик мақбара масжид қачон қурилган?

Мақбара XIX аср ўғтарларида бино қилинган. Унға қурилган мақбаралар билнзила оқибатида ва 1221 йили Чингизхон лашкарлари томонидан вайрон қилинган. Мақбара эшиғига ўйиб ёзилган биткида:

«Сатх ин кор бо лутфи Карим, Усто Худойберган биани Муҳаммад Раҳим.

Шу маънода туманимиз имом хатноби Абдурахим ошон Аминхон ўғли ва ноҳиямиз раҳбарларининг ҳамкорлиғида ташаббус билан ўтказиладиган хайрия кунлари бизға далда бўлади, деган умиддамиз. Шу ўринда бу хайрий ишға ўз ҳиссасини қўшишни ният қилган Ўзбекистон Ўзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази ҳамда бошқа ҳаммаслақ кишиларға ўз миннатдорчилигини билдираимиз. Хайрия жағмарасига тушган маблағ тарихий Султон Вайс бобо масжиди ва мақбарасини таъмирлашға ҳамда эйратчилар учун қудай широнларғ яратиб, яъни ободончилик ишларига сарфланади.

Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қорақалпоғистон жумхуриятлари мусулмонларнинг ушбу улкан савоблик тадбирда иштирок этишға даъват этарканимиз, мақсадимиз қадимдан илдизлари бир бўлган кўна туркий халқ вакиллари ҳамжиҳатчилигини тиклаш, ўтган келгуси авлод олдндаги бурчимизни адо этишдир.

Суҳбатни Ҳамроқул АСҚАР олиб борди. Хайрия жағмараси ҳисоб-рақами ҚҚМЖ, Беруний тумани Агроеконом банк №70018 код. 73211

Бу жорий ҳисобта Беруний шаҳар мағлубот жағияти — 1000 сўм, туман уқумий оидатиниш бошқармаси — 500 сўм, «Осиё» хўжалиқ ҳисобидоги ширкат — 500 сўм маблағ ўтказишди.

МУХИДДИН БУЛИБ ИЕЛ-Э!

КУЛГИ УСТАСИНИ ҲАМ БИР КУЛДИРАЙЛИК

Сўрида давра қуриб бир гуруҳ шинаваллар ўтиришди. Биттаси жуда маромида келтириб латифа айтмоқда. У сўзини тутатар-тугатмас бирдан кўтаришган гулдурас қаҳқаҳадан ҳаво зириллаб кетди. Уфатлардан бири азбаройи кулги зўридан ёшланган кўзини артиб, латифагўйнинг елкасига қўчиб қўйди-да, деди:

— Айтишни қийворасанда, лекин. Мухиддин бўлиб кет-э! Бунини яхши эшитманган эканман. Янги чиққанми?

— Янги деса ҳам бўлаверди. — Уч кун олдин Мухиддин Дарвешдан эшитдим. Байрамда, Мухиддиннинг репертуаридан.

— Айтдим-а, ичакузалиги! Мухиддиннингга ўхшайди деб! — хитоб қилди бақалоқ...

Мухиддин Дарвешов... Ие, нимага ўзингиздан ўзингиз жимлайиб қолдингиз, огайни? Хо-хо... Епирай... Амаки, сал секинроқ кулади-да одам деган. Утаганим ёрворај дедингиз... Нима? Аския эсимга тушиб қолди дейсизми? Мен сизга аския айтётганим йўқ, «Мухиддин Дарвешов» делим, холос... Э, ҳа-а, ўзлариям Қўнонга бир тоғна «шағал тўки» келганлардан экансиз-да!

Шунақа, азиялар, Мухиддин Дарвешов деган исми шарифнинг кучи шунчаликки, таърифуға сўз тополмайсиз...

У тоза қотириб қўлади, думалатиб қўлади. Шундай шинавалдан акаларимиз бор — Мухиддин Дарвеш номини эшитса, тамоғи, янги қўлак, костюм-шмак кийган бўлади.

са ҳам, тупроқни, тошми ерда ётволлшади-да, думалаб-думалаб кулишади.

Мухиддин Дарвешов деган исми шарифнинг кудратли, қаромати шунақа зўр, азиз дустлар. Лекин гап унда эмас, гап бугўдойа. Узебекистонда унинг латифаларини эшитманган, санъатидан баҳра олманган одам топилмас керак. Айниқса, фарғоналикларга маза, қўқонликларга уларданам маза! Асли Фарғонаю Қўнонда яшайдиганларнинг бахтига Мухиддин ака туғилиб қолган экан. Негаки, неча йилдан бери кимё корхоналари аждрга ўхшайди захри қотиб қуриб ётибди. Оғу асоратидан мазаси қочиб қолганлар кўлини устасини битта латифасини эшитишадю мазасини олиб, ҳеч нарса кўрмагандай юршаверди. Мухиддин ака тўйлар-

бири айтмайдики «шу санъаткор ҳаққий халқ артисти, келинган, биз ҳам шуни расман тасдиқлаб қўйлик» деб. Юбилей бўлиши шартми? Нечта юбилейи, ўтти кетди нишонламамасдан.

Ана, минг-минглаб давраларда «латифагўйларга талаб тушмоқда улфатлардан:

— Мухиддиндан битта бўлсин...

— Мухиддиндан...

Бизнинг гапимизни эшитишга эса, минг-минглаб давралардан яхши санъаткоримизга унвои бериш ҳақида талаблар тушаверади:

— Мухиддинга бўлсин...

— Мухиддинга бўлсин...

— Мухиддинга...

Тўлқин РАҲИМ

МУХИДДИН ДАРВЕШ АФАНДИ ВА ИФВОГАР

Бир одам ифвогарлиги билан отнинг қашқисидек машҳур экан. Бир кун йўлда Афандининг қаршидан ўша ифвогар чиқиб қолди. Шунда Афандининг эшати кетма-кет ханг-раб юборибди. Ҳалиги ифвогар Афандига: «Бу қанақаси, айтиб қўйсангиз бўлмайди. Келиб-келиб менинг ёнимда ханграйдимми?» — деди.

— Биродар, — деди Афанди, — бунинг тилгага сиз тушунмасангиз, мен тушунмайман.

Шу пайт эшак бошини қаттиқ силкиб, ифвогарнинг бақарасига сулагини сачратиб, янада кучлироқ ханграбди.

— Айтиб қўйинг, эшагингизни устидан эшиб таъзини бериб қўяман! — деди жаҳли чиққан ифвогар.

— Э-э, тушунарли, — деди Афанди. — Эшак эшакни қўраганда ханграйди-да, ахир!

ДАДАМНИНГ ИШИНИ...

Кунларнинг бирида Бозорбой ака деган одам эшагини толга боғлаб, у-бу олгани бозорга кириб кетибди. Қайтиб чиқса эшаги жойида йўқмиш. Шунда у овозининг борича бақирди:

— Халойиқ, манави толга эшагини боғлаб, бозорга кириб чиқсам, эшагим йўқ. Шуни билкиб олинганлар, мен яна бозорга кириб чиққанымча эшагимни келтириб, жойига боғлаб қўйинглар, бўлмаса, мен ҳам отам қилган ишини қилиб кетаман! — деди.

Шундай деди-ю, у яна бозорга кириб кетибди. Бир маҳал чиқса, эшаги жойида турганмиш. Елкасидига хуржунни эшакка ортиб, индамай кетаверибди. Эллиқ эшакча юрганидан кейин икки-уч ёш йигит эшакнинг жилвақидан ушлаб сўрабди:

— Дадангиз нима иш қилиб кеттанди?

— Эшагини ўғирлатиб, уйга пиёда қайтган эканлар! — деди Бозорбой ака.

ТЕЗЛАШТИРИШ

Қурилиш бўлаётган жойга комиссия келибди. Инженер у ёқда, прораб бир ёқда ҳалослаб чопармиш. Беш олти киши эса қуруқ

замбилгалтакни шалдирапти, у ёқдан-бу ёққа гидиратармиш. Комиссия аъзоларидан бири ҳайрон бўлиб қурилиш бошлигиндан сўрабди:

— Нима қилгансизлар, ўзи?

— Қайта қуриш, жадаллаштиришни янада тезлаштиряймиз, — деб жавоб берибди бошлиқ.

— Замбилгалтақда юк йўқ-ку?

— Юк юклаганга вақт йўқ!

ЧАЙҚОВЧИГА МУКОФОТ

Ҳафизхон исмли бир киши Сибир томонга бораётган самолётда учиб кетаётган экан. Ярим йўлда бир барзани қўлида тўпчоқаси билан учувчиларга ўтсизра бошлабди:

— Ҳозир чет элга ҳайдайсан!

Ушанда ҳамма йўловчилар титраб, қўриқиб ўтиришаверибди. Жони қичқилдириб келган Ҳафизхон ўрнидан қўлини олиб, учувчиларга дўй ураётганини орасидан секин бериб, икки қўлини қайраган экан тўпчоқаси тушиб кетибди. Қолганлар унга ёрдам беришиб, ўнқираётганини оёқ-қўлини боғлашибди. Самолёт ўз вақтида максилга бориб қўнибди. Уни милдаётчоқлар ўраб олишибди. Ҳалиги барзанини ерга туширишга, милиция подполковниги йўловчиларга қараб:

— Орангизда Ҳафизхон ким? — деб сўрабди.

— Мен, — деб дадил ўртага чиқибди. Ҳафизхон. Подполковниги унга қаҳрамонлиги

учун мукофотлар берибди. Сўнгра ундан радиодан келган мухбир интервью олибди:

— Айтинг-чи, Ҳафизхон. Қандай қилиб барзангини қўлга туширдингиз?

— Қарасам четга ҳайда, деб учувчини зўрлаганми. Зўрлик бунақа бўлади, деб икки қўлини қисдим, йиқилди.

— Мабодо чет элга ҳайдаса борардингиз?

— Чет элда нима бор, бу шаҳарда помидорнинг килоси ўн сўм, чет элда бир сўмдан сотамагани?

ШИФОКОР ВА БЕМОР ПАЙРОВИ

Йўлдошхон: — Мухиддинжон! Ҳали дўхтирларни гапириб ўтдингизми?

Мухиддин кизик: — Ҳа, шундай. Ўзим ҳам дўхтирман-да!

Йўлдошхон: — Дўхтир бўлсангиз, қанақа дўхтирсиз? Кимларга қарарсиз?

Мухиддин: — Сизга ўхшаган аскиячи, ашулачи, мусиқачи, мана бу ўйинчиларга қарайдиган дўхтирман.

Йўлдошхон: — Мана бу ўтирганларга қарарайсизми?

Мухиддин: — Йўқ, Буларга қарармайман. Буларнинг ўзини дўхтири бор.

Йўлдошхон: — Мени оғина тобим йўроқ, тузатиб юборингиз қўлингиздан келадими?

Мухиддин: — Келди. Менинг қабулхона келганингизга ярим соат бўлди Касал одам

Йўлдошхон: — Мухиддинжон! Ҳали дўхтирларни гапириб ўтдингизми?

Мухиддин кизик: — Ҳа, шундай. Ўзим ҳам дўхтирман-да!

Йўлдошхон: — Дўхтир бўлсангиз, қанақа дўхтирсиз? Кимларга қарарсиз?

Мухиддин: — Сизга ўхшаган аскиячи, ашулачи, мусиқачи, мана бу ўйинчиларга қарайдиган дўхтирман.

Йўлдошхон: — Мана бу ўтирганларга қарарайсизми?

Мухиддин: — Йўқ, Буларга қарармайман. Буларнинг ўзини дўхтири бор.

Йўлдошхон: — Мени оғина тобим йўроқ, тузатиб юборингиз қўлингиздан келадими?

Мухиддин: — Келди. Менинг қабулхона келганингизга ярим соат бўлди Касал одам



КЎПАК ҲАҚИДА ЛАТИФА

Редакциямизга ҳар кун турли хил одамлар келишади. Ҳаммасининг ҳам дардлари ўзгача.

Олди бир мисол, яқинда бир ёши ўтироқ қолган киши, қўйнида кучуқчаси билан эшикни аста очиб кириб келди:

— Мана, хе-хе, сизларга ажойиб латифа олиб келдим. Бир оқуриб бериң-чи!

Қалин оқ қороздаги чиройли дастхатни ўқишга тушди.

«Сар Жон дўсти сар Уильямнингга мехмонга борганида, шахмат ўйнаётган лайчани кўриб хайратдан ёқа ушлабди:

— О-о, бу мўъжиза-ку!

— Нимаси мўъжиза? Бир соатдан буён ортақча пиедас бўла туриб мени юта олмайпти, — деди ҳафсаласи пир бўлиб сар Уильям.

— Ҳафа бўлмаг-у, — дейман муҳлисинизга қараб, — Утган ҳафтада худди шунақа ўхшаш латифа эълон қилдик. Фақат унда бульдог шашка ўйнайди.

— Э-э, нечирасиз, — юзлари ўзгарди чолин, — шахмат билан шашкани фарқига борасизми, ўзи? Бульдог билан лайчанинг орасида ҳам катта фарқ бор.

Мана кераги бор, ортича тортишишни. Барибир фойдасиз. Яхшиси, бир-бир тузуқроқ нарса олиб келарсиз, — тинчлантириб, жўнатиб юбордим.

Орадан бир кун ўтиб, шапқасини қийшайтирганча, қўйнида кучуғи билан боғи чол қўрибди:

— Марҳамат, мана бунисини ҳали ҳеч ким эшитмаган. Умуман бошқача, ўтган сафардаги қороздан ҳам қалинроғини узатди.

Ўқиб чиқдим:

«Сар Жон дўсти сар Уильямнингга борганида, скрипка чалаётган лайчани кўриб, хайратдан ўзини йўқотди.

— Мўъжиза! — қичқирабди сар Жон.

— Э, қўйсанг-чи, — мингғилди Уильям, — аллерронинг ўрнига адажонни чалапти.

— Менга қаранг, нимага тушунмайсиз, — асабийлашди мен, — яна ўша бир нарса ни тақорорлаб келибсиз.

— Нега энди? Бу сафар лайча скрипка чалмоқда.

Марк ВИЛЕНСКИЙ

виб юбормасангиз, эрнақчагина қилиб, «хом сўт берган энасига» жўнатмасангиз, ҳар кун келиб бошингизни қоттираверадим.

— Ким гапирди? — сўрадим мен қулқларимга ишонмай.

— Лайча, — гапнинг жавоб қилди чол.

— Кимга?

— Сизга.

— Менга қаранг, амаки!, — қичқириб юбордим. — Нима учун сиз бекорга вақтингизни йўқотиб юборсиз. Редакцияда сизга нима бор, динска боринг. XX асрнинг ажойиб мўъжизасини қў! Халқаро гастроллар — Нью-Йорк, Токио, Франция!

— Э-э, — умидсизлик билан қўл силтади чол. — Қўйсангиз-чи! Лайчам шашка-шахматдан — ноль. Скрипка чалайди. Мотоцикл ҳам бошқара олмайди. Виргина, ўрганган нарсаи — мени оғизга келган сўз билан сўзгад. Бугунги кунда, қуруқ гап билан ҳеч кимни ҳайратга солмайман.

Чол аста ўриндан туриб, кучуқни қўйиға солганча, эшикка қараб йўнади.

Очигини айтсам, унга роҳи ачиндим.

Мирза РАҲИМ таржимаси

СЕНГА МАЗА, РОБИНСОН!

Сен маза қилиб яшанган экансан-да, Робинзонбек! Ҳавасим келпти. Кеча бешинчида ўқийдиган ўғлим сен ҳақидада ёзилган китобни ўқиб ўтирган экан. Уни гузарга, баққолга, носта чиқариб юбориб, шу китобни варақлаб кўрдим, дегин. Ўқийверибаман, ўқийверибаман, қарасам, тугаб қолти. Роса маза қилиб яшаган экансан-да, огайни. Қара, ҳатто телевизор ҳам томоша қилмаган экансан. Бўлмаса, бир марта Фўбол ўйинини кўрсанг, ўриндан туршиша мажолнинг қолмас эди, бир ҳафта шалпағай ётардинг. Сўзлардангай галванни эшитсанг, ё долларб мавзуға қў-

зинг тушса, анақа бўлиб қолардинг, сайёҳ дўстим. СЕНГА РОСА ҲАВАСИМ КЕЛДИ-ДА, ОГАЙНИ. ҚАРА ҲАҚИҚИЙ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ЯШАГАНСАН. АТРОФИНГДА ТЎТИҚУШЛАР... Биз эса тўтиқушларни телевизорда кўрамай, холос... Асабларинг доимо мулоҳим бўлган бўлса керак, Робинзонбек. Чунки ўша оролингда рўзноман, қарасам, нурса бўлмаган. Нарх олишни ҳақида фармон ималдинги, бозор иқтисодиёти деган нарсани билмагансан. Ўзинг экан бугўдойини хоҳласанг пишириб егансан, хоҳламанг сарлаб қўйгансан. Уни пайҳон қилган эчкиларни ушлаб, сутини ичгансан. Бизга эчки сутни қа-

Қобилжон ЮНУСОВ

Ақсаржон ЭШМУРОДОВ

ГЎШТ ДЎКОНГА БОРСАМ...

М. Юсуфга ўхшатма

Гўшт дўконга борсам мен агар, Бўш пештахта кўриб қайтаман. Елка қисар қассоб ҳар сафар, Гўшт ололмай қуруқ қайтаман.

Оқлада ўсар гўрт болам, Гўшт емайни ўсар мўрт, болам. Бир гўшт кўрсанг, қўлга сурт, болам. Мен дардини кимга айтаман?

Қаён бошлар, қайга чопайин, Бир ташлаб гўшт қайдан топайин. Қай қассобинг оған ўпайин, Мен дардини кимга айтаман?

МУАССИСЛАР: ҲЗ-БЕК ИСТИФОН ҲЗУВ-ЧИЛАРИ УОШМАСИ ВА ЖУМХУРИЯТ МАДАНИИ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: ҲЗБЕК ИСТОН ҚП МҚ НАШРИЯТИ

ЎЗБЕК ИСТОН АДАБИЯТИ ВА САҲЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕК ИСТОНА»

Издається на узбекском языке

Редакцияга келган қўлама ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди.

Баш муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОВ

Тахрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ҲУБОВ, Аҳмад ЖАБОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ҚОРИЙОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлаберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚОЙМОВ, Тўлқиной КОДИРОВА, Пармқул КОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинградкўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БУЛИМЛАР: — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул ижтимоий-саноий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49;

Навбатчи муҳаррир — Беҳзод НОРБОВ

Босишга топириш вақти — 20.00 Босишга топириши — 19.00.

индекс 64593. Буюртма 5829. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12